

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш
индустрияси ходимлари касаба уюшмаси VI Қурултойи**

ҚАРОРИ

2025 йил 07 август

VI - 3

Тошкент ш.

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси
ходимлари касаба уюшмаси фаолиятининг 2026-2030 йилларга
мўлжалланган стратегик йўналишлари тўғрисида**

Тармоқ касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоясини амалга ошириш борасидаги тизимли ҳаракатини шакллантириш, шу билан касаба уюшмаси кўмиталари фаолиятини жадаллаштириш ва таъсирини кучайтириш мақсадида касаба уюшмаси **VI Қурултой ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси фаолиятининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари тасдиқлансин (илова қилинади).

2. 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларни тўла бажарилиши учун жавобгарлик тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий Кенгашлари ҳамда тармоқ бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари зиммасига юклатилсин.

3. 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларни барча йўналишлари бўйича ижроси ҳар йили Республика Кенгаши Мажлиси, Раёсат йиғилишида муҳокама этилиб, жойларда уни бажарилишини таъминламаган касаба уюшмаси кўмитаси раисларига тегишли чоралар кўрилсин.

4. Ушбу тармоқ касаба уюшмаси фаолиятининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари ижроси юзасидан доимий назоратни амалга ошириш касаба уюшмаси Республика Кенгашига юклатилсин.

Раислик қилувчи



Д.Т.Хашимова

*Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал
қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари
касаба уюшмасининг 2025 йил 07 августдаги
VI-3- сонли қарорига илова*

**ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ,
ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
ФАОЛИЯТИНИНГ**

2026-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

I. Кириш

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси (кейинги ўринларда - тармоқ касаба уюшмаси деб юритилади) касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик анъаналарига ўзининг содиқлигини таъкидлаб, республикада барча соҳаларда амалга оширилаётган ишлар давлатимизни ҳар томонлама раванқ топтиришда, унинг ижтимоий-иқтисодий қудратини юксалтиришда, энг асосийси халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганлигини ўз фаолиятининг келгуси беш йилга мўлжалланган мазкур Стратегик йўналишларини эълон қилади.

Тармоқ касаба уюшмаси миллий тараққиётнинг янги босқичида мамлакатимизни барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишига йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлайди.

Зеро, бу ислохотлар натижасида халқимизнинг қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадларига эришилади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тармоқ касаба уюшмаси халқимиз, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, улар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, соғлигини мустаҳкамлашни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

2026-2030 йилларда тармоқ касаба уюшмасининг барча саъй-ҳаракатлари тармоқни ҳар томонлама юксалтиришга, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантиришга, касаба уюшмалари сафини кенгайтириш, янги ташкилотлар қабул қилишга, тармоқ касаба уюшмаси хизматини кўрсатиш сифатини оширишга, замонавий иш услубларини жорий этишга, касаба уюшмалари инспекциялари фаолиятини шакллантириб, кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, тармоқ тузилмасини такомиллаштиришга, етук кадрлар тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишларини ташкиллаштиришга, тизимга янги инновациялар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга, халқаро алоқаларни ривожлантиришга, молиявий негизларни янада мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Янгиланган демократик Ўзбекистонни бунёд этишда, озод ва обод ҳаёт қуришда, “Ўзбекистон 2030” ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурлари ижросида фаол иштирок этиш, касаба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, халқаро касаба уюшмалари ҳаракатига етакчилик қилиш каби олий мақсадлар тармоқ касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Уставда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жараёнида касаба уюшмалари ҳаракатининг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш, ижтимоий мулоқотни ривожлантириш ва халқаро бирдамлик ғояларига содиқлигини намоён этган ҳолда, тармоқ касаба уюшмаси ва унинг тизим ташкилотлари томонидан 2026-2030 йиллар мобайнида қуйидаги асосий йўналишлар ижросига қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

II. Ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқий соҳада

Тармоқ касаба уюшмаси қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларда

фаол иштирок этишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади.

Тармоқ касаба уюшмаси ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш муносиб меҳнатнинг ҳал қилувчи омилларидан бири эканлигини эътироф этади.

Кейинги беш йилликда меҳнат қонунчилиги, тузилаётган шартнома ва келишувлар билан ҳавола этилган барча имкониятлардан максимал даражада фойдаланган ҳолда ходимларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун **тармоқ касаба уюшмаси:**

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг энг асосий ва устувор конвенцияларини ратификация қилиш бўйича таклифлар бериб бориш;

Тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд органлари, давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органларида ҳимоялаш бўйича фаол ҳаракат қилиш, ходимларнинг якка ва жамоавий ҳуқуқларини ҳимоялашни ривожлантириш;

ташкилотларнинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш, шунингдек, ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритиш;

тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг, шу жумладан, пенсионер ва ўқувчи-ёшларнинг ҳам ижтимоий-меҳнат ҳуқуқи ва кафолатларига алоқадор қонун ҳужжатлари лойиҳаларини касаба уюшмаси ҳуқуқий экспертизасидан ўтказиш, уларга тегишли таклиф, фикр ва мулоҳазаларни киритиб бориш;

тармоқ касаба уюшмасининг аъзолари меҳнат қилаётган ташкилот, муассаса, корхоналарда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши, шунингдек, бошқа ижтимоий-меҳнат масалалари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

“истеъмол саватчаси” ва “тирикчилик учун энг кам миқдор”ни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш;

аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, меҳнат қонунчилиги, тузилаётган шартнома ва келишувлар билан ҳавола этилган барча имконият ва имтиёزلардан максимал даражада фойдаланган ҳолда ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш;

соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

қонунчиликда белгиланган ваколатлардан фойдаланган ҳолда ҳамкор ташкилотларнинг меҳнат ва меҳнат муҳофазаси масалаларига оид локал ҳужжатларини тармоқ касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда қабул қилинишини таъминлаш;

ходимларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, илғор методларни амалиётда қўллаш чораларини кўришни ўз зиммасига олади.

III. Ижтимоий шерикликни ривожлантириш

Бу йўналишда асосий вазифа Бош жамоа келишуви, шунингдек, унинг асосида тегишли вазирлик, идоралар ўртасида тармоқ жамоа Келишувларини тузиш ҳамда ижросини таъминлаш, ҳар бир бошланғич ташкилотда жамоа шартномаларининг уларга асосланган ҳолда тузилишини таъминлашдан иборат.

Тармоқ касаба уюшмасининг ижтимоий-меҳнат муносабатлари давлат органлари, иш берувчилар ва тармоқ касаба уюшмасининг ижтимоий шериклиги, томонлар манфаатларининг уйғунлиги асосида қурилишини қўллаб-қувватлайди. Жумладан:

- Ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирликлари, “Ўзсаноат-қурилишматериаллари” уюшмаси, “Ўзмаҳсусмонтажқурилиш” акциядорлик компанияси ҳамда Автомобил йўллари қўмитаси билан ҳар уч йилда тармоқ жамоа Келишувларини тузади;

- тармоқ жамоа Келишувлари билан ўрнатилган иш берувчи ва ходимлар мажбуриятларини жамоа шартномаларига киритиш ва бажарилиши устидан назоратни ўрнатади;

- ижтимоий меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси билан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга, бозор иқтисодиётининг асосий субъектлари - иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ҳамкорлиги ва манфаатларининг муштараклигига қаратилган ижтимоий шерикчиликнинг таъсирчанлигини оширишга эришади;

ходимларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилишларига ва корхоналарда мўътадил соғлом ҳолат ўрнатилишига кўмаклашади.

Барча даражадаги ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий мулоқотнинг доимий шакллари жорий этиш соҳасида тармоқ касаба уюшмасининг саъй-ҳаракатлари қуйидагиларга йўналтирилади:

ижтимоий ҳамкорлар билан тармоқ жамоа келишувлари ва мосланувчан жамоа шартномаларини тузиш амалиётини кенгайтириш;

ҳар бир тармоқ касаба уюшмаси ташкилотида корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари даражасида жамоа-шартномавий муносабатлар сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни кўрган ҳолда, жамоа шартномаларининг тузилиши ва уларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш;

келишув ва шартномалар бажарилишининг бориши устидан назорат бўйича икки томонлама комиссиялар ташкил этишнинг илғор услуб ва шаклларида фойдаланиш, комиссияларнинг ахборот ва ташкилий-услубий таъминотини такомиллаштириш;

ижтимоий кўмакка йўналтирилган ҳар йилги Давлат дастурларининг ҳаётга тадбиқ этилишида фаол иштирок этиш;

муайян бир соҳада ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тармоқ касаба уюшмаси органига ахборот тақдим этилишига ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштирилишига эришиш;

иш берувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш

ҳақидаги таклифларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритиш.

IV. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва бандлик соҳасидаги вазифалар

Тармоқ касаба уюшмасининг меҳнатга ҳақ тўлаш ва бандлик соҳасидаги асосий мақсадлари корхона ва ташкилотларда ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида олиши, унинг кечикиб тўланишига йўл қўймаслик, уларнинг бандлигини таъминлаш, ходимларнинг бу борадаги ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилишини олдини олишга эришишдан иборат. Шунингдек:

ходимларнинг иш ҳақини тўлиқ ва ўз вақтида олиш ҳуқуқини бузганлиги учун иш берувчиларнинг жавобгарлигини ошириш;

иш ҳақининг доимий қисмини 50% дан кам бўлмаган даражага қадар ошириш;

ходимлар ишига ҳақ тўлашда давлат кафолатларини амалга ошириш;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлаш;

меҳнат бозорида фаол сиёсат юритишга, муносиб иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи барқарор иш ўринлари яратилишига кўмаклашиш, яратилган янги иш ўринларига қабул қилинган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш;

кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга, яшил иш ўринлари яратилишига кўмаклашиш, уларга узоқ муддатли ссудалар бериш;

касб-ҳунар коллежлари, техникумлар битирувчиларининг меҳнат жамоаларига кўникиб кетишлари, уларнинг ўз иш ўринларида кўнимлилиги таъминланишига кўмаклашиш;

бандликка кўмаклашиш борасида Бош жамоа, тармоқ Келишувлари ва жамоа шартномалари имкониятларидан кенг фойдаланиш.

Тармоқ касаба уюшмаси меҳнат соҳасида камситмаслик, тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятлар, тенг аҳамиятли меҳнат учун тенг ҳақ

тўлаш принципларига қатъий амал қилинишига эришишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Тармоқ касаба уюшмаси кучли ҳамда самарали ижтимоий ҳимоя муносиб меҳнатнинг асосий кўрсаткичларидан бири эканлигини таъкидлаган ҳолда, камбағалликни камайтириш, аҳоли, айниқса аёллар ва ёшларнинг ижтимоий кафолатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги фаолиятини қуйидагиларга қаратади:

аҳолининг заиф қатламлари, шунингдек аёллар ва ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чоралар амалга оширилиши юзасидан давлат органлари, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилиш;

корхона ва ташкилотларда узоқ йиллар меҳнат қилиб пенсия ёшига етган ходимларнинг юбилей ва нафақага кузатиш тадбирларини ташкил қилиш, пенсияга чиққан ходимлар ҳолидан хабар олиш;

пенсионерлар, ногиронлар, вояга етмаганлар, ёлғиз кексалар ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож бошқа табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш.

V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ишларини ташкил этиш, норматив негизни мустаҳкамлаш

Тармоқ касаба уюшмаси зарарли омиллардан ҳоли бўлган, муносиб иш ҳақи тўланадиган ва қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиб берилган иш ўринлари барпо этилишига эришишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади.

Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шакл ва усуллари янада такомиллаштириш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича халқаро стандартларни жорий этиш юзасидан таклифларни тайёрлаш ҳамда мутасадди ташкилотларга мунтазам равишда киритиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тармоқ касаба уюшмаси:

- меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этади;

- ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини корхоналарда меҳнат шароитларини яхшилашга ва ҳавфсизлигини таъминлашга йўналтиради;

- ходимларни меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларга чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўяди;

- меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилашга доир меҳнат муҳофазаси бўйича Келишувларни имзоланишига эришади, бунда тармоқ корхоналарда “яшил иш ўринлари”ни, яъни муносиб меҳнат шароитларини таъминловчи иш ўринларини яратишни назарда тутаяди;

- ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, давлат назорати ва текшируви органлари билан биргаликда меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, sanoat ва экологик ҳавфсизлик аҳволини биргаликда текшириш амалиётини кенгайтиради;

- меҳнат муҳофазаси маданиятини ташкил этиш ва илгари суриш, яъни ходимларга ҳавфсиз, нормал меҳнат шароитларини яратиш, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини яхшиланиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини камайтиришга олиб келишига, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муаммоларга иш берувчиларни эътиборини қаратади;

- касб касалликлари ривожланиши хавфи юқори бўлган корхоналарда профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши, уларни ўз вақтида аниқланиши ва уларга даволаш-соғломлаштириш тадбирлари мажмуи қўлланишини назоратга олади;

- янги ташкил этилган иш ўринларида меҳнат қилаётган ходимлар, жумладан аёллар ва ёшларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари таъминланиши устидан назорат ўрнатади;

- фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими билан иш берувчиларнинг тўлиқ қамраб олиниши, корхона ва ташкилотларида меҳнат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш устидан жамоатчилик назоратини кучайтиради;

- корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича қоидаларга риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширади ва аниқланган қоидабузарликларни бартараф қилинишига эришади;

- корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сонини лозим бўлган даражага етказилишини назоратга олади ва уларни билимларини ошириш мақсадида доимий ўқув-семинарларни ташкил этади;

- иш берувчидан корхона эҳтиёжида қўлланадиган ишлаб чиқариш иншоатлари ва воситаларини фойдаланиш учун қабул қилишда амалдаги меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларига қатъий риоя қилинишини талаб қилади.

VI. Меҳнат инспекциясининг жамоатчилик назорати соҳасидаги истиқболли вазифалари

Тармоқ касаба уюшмасининг меҳнат инспекциясининг асосий вазифаси ходимларнинг меҳнат, аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларига риоя қилиниши мониторингини ва ҳимоясини таъминлашдан иборатдир.

Ушбу мақсадларда Меҳнат инспекцияси қуйидаги вазифаларни ўз зиммасига олади ва бажарилишини таъминлайди:

тармоқ касаба уюшмасининг бандлик, меҳнат муносабатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини олиб борадиган меҳнат-ҳуқуқ ва меҳнат-техник инспекторлари фаолиятини жорий қилиш ҳамда иш берувчиларнинг ушбу соҳаларга оид қонунчилик меъёрларига амал қилинишини тизимли равишда текшириб бориш;

фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашишини ва уларнинг фаолиятида иштирок этишини, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини ва уларни ҳимоя қилинишини, шунингдек, хавфсиз меҳнат шарт-шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш соҳасидаги

қонун ҳужжатлари талабларига ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча иш ўринларида риоя этилишини назорат қилиш;

жамоа шартномалари ва битимларида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича иш берувчилар томонидан тўловлар амалга оширилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилиш;

меҳнат, аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив ҳужжатларни бузилишининг олдини олиш ва бузилган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўриш;

меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш масалалари бўйича ходимлар ва иш берувчиларга маслаҳат ва услубий ёрдам бериш, ишлаб чиқариш жараёнида жароҳат олиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир профилактика ишларини ўтказиш;

фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш зарурияти тўғрисида юридик ва жисмоний шахслар ўртасида кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

меҳнат муносабатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек фуқароларнинг муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлашга доир таклифлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш.

VII. Ходимларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни оммавий тарзда спортга жалб қилиш ва соғломлаштириш

Тармоқ касаба уюшмаси ходимларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни оммавий тарзда спортга жалб қилишда касаба уюшмасининг фаол иштироки таъминланиши зарур деб ҳисоблайди ва ушбу йўналишдаги фаолият юртимизда шаклланган азалий қадриятлар, урф-одатлар, миллий маданиятимиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий ишлар, маданий-оммавий ва спорт тадбирларининг самарадорлигини ошириш, туризмни ривожлантиришда фаол иштирок этиш касаба уюшмасининг келгуси даврдаги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Маънавий-маърифий ислохотларни амалга ошириш ҳамда эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган **“Янгиланаётган Ўзбекистон: Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш ишларида тизимли иштирок этади.

Тармоқ касаба уюшмаси шу мақсадларда асосий эътиборни:

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордик чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини иш берувчилар билан ҳамкорлигида ўтказди;

меҳнат жамоаларида “Маънавият соатлари”ни тизимли равишда ташкил этиб, уларда Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда мамлакатимиз миллий стратегиясининг мазмун-моҳияти тарғиботини мунтазам олиб боради;

тармоқ корхона ва ташкилотларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиш орқали мустақиллигимизга, тинч, осуда ва фаравон ҳаётимизга шукроналик ҳисларини, меҳнаткашларнинг қалби ва онгига сингдиради;

тармоқ Келишувлари ва жамоа шартномалари орқали корхоналар балансида бўлган соғломлаштириш маркази ва маданият муассасаларини фаолиятини кенгайтириш, улардан ходимларнинг самарали фойдаланишини ташкил этади;

мунтазам равишда спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ходимлар гимнастикаси ҳамда оилавий спортни ривожлантиради;

ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширади;

болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчиларини, шунингдек Республиканинг экология жиҳатдан

ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болаларни соғломлаштирилишига кўмаклашади;

меҳнат жамоаларида юксак ватанпарварлик, мустақиллик мафкураси, ўз Ватани билан фахрланиш туйғусини тарбиялаш бўйича тадбирлар, умумжаҳон қадриятларидан баҳраманд бўлиши учун меҳнаткашларни билим даражасини ошириш учун ўқув семинарларини ўтказади;

хотин - қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларнинг жамиятидаги мавқеини ошириш, ижтимоий ва маданий ҳаётда фаол қатнашиш, билим олиш, камол топиш, ўқиш ва бошчилик қилиш, шахс эркинлиги ва дахлсизлиги, эркак билан тенг ҳуқуқлилиқ, оилани режалаштириш ва ҳ.к.лар юзасидан ишларини амалга оширади;

маданий ва спорт-соғломлаштириш муассасаларини талаб даражада сақлаб туриш учун корхоналар ўз маблағини ажратиш тўғрисидаги мажбуриятни жамоа шартномаларига киритилишига эришади;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт-соғломлаштириш иншоатлари тегишли моддий-техник даражасида бўлиш учун корхоналар ва касаба уюшмаси бюджетидан ажратмаларни мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатади;

барча ҳудудларда тармоқ спартакиадалари ташкил қилинишига, жисмоний тарбия ва спорт машғулортларига имкон қадар кўпроқ ходимларни, айниқса аёллар ва ёшларни кенг жалб этилишига эришади;

хўжалик органлари билан биргаликда ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари, дам олиш масканларини сифатли тайёрлаш ва ўз вақтида очилиши учун чораларини кўради;

сихатгоҳлар ва дам олдириш масканларига йўлланмаларни тақсимлашда биринчи галда ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги ходимларига эътибор беради;

корхона ва ташкилотларнинг молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ходимларга санаторийлар ва дам олдириш уйлари йўлланмаларини харид қилиш ёки йўлланманинг қисман қийматини қоплаш учун маблағ ажратишга оид иш берувчиларнинг мажбуриятларини жамоа шартномаларга киритилишига эришади;

ички туризмни ривожлантирилишига кўмаклашиш мақсадида ходимлар учун Республикамизнинг тарихий шаҳарлари, диққатга

сазовор ва муборак қадамжолари ҳамда мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларига саёҳатлар уюштиради;

“Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарида режа асосида касаба уюшмаси ҳаёти ва фаолияти тўғрисида мақолаларни чоп эттиради;

“Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарига барча касаба уюшмаси кўмиталари обунга бўлишига эришади;

касаба уюшмани мавқеини янада мустаҳкамлаш, имиджини ошириш, касаба уюшмага янги аъзоларни жалб қилишни кучайтириш мақсадида Республика, маҳаллий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланади.

VIII. Ёшлар сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”идан келиб чиқиб, ёшлар учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароитлар яратишда касаба уюшмаларининг иштирокини кенгайтириш мақсадида **тармоқ касаба уюшмаси:**

корхона, ташкилот ва муассасаларда ёш ходимларнинг ҳамда ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни касаба уюшмаси аъзолигига кенг жалб этиш, касаба уюшмалари фаоллари сафини ёшлар билан мустаҳкамлаш;

ёшларнинг ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатларига тааллуқли масалалар бўйича қарорлар ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказишда, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлашда тармоқ касаба уюшмасининг фаол иштирокини таъминлаш;

ёшларнинг меҳнат муносабатларига оид қонун ҳужжатлари, халқаро меҳнат стандартлари, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар қоидалари тўғрисидаги билимлари оширилишига;

тармоқ касаба уюшмаси раҳбар органлари ишида Ёшлар кенгашлари вакилларининг иштироки таъминланишига эришиш;

ёшларга оид давлат сиёсатига кўмаклашиш, ёш мутахассислар, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз устида доимий ишлаши, касбий маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориши учун

“Устоз-шогирд” тизими ва бошқа анъаналарни йўлга қўйиш, давом эттириш;

ёшлар ўртасида турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиш орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда онгида ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

IX. Тизимда молиявий интизомни янада мустаҳкамлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

Тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ва бирлашган ташкилотлари томонидан молиявий интизомга қатъий риоя этилишини таъминлаш, Тафтиш комиссиясининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш муҳим вазифалар сирасига киради.

Шу мақсадда тармоқ касаба уюшмаси бюджетини тўлдиришнинг янги шакл ва услубларини жорий этиш, жумладан тармоқ касаба уюшмаси тасарруфида янги корхоналар ташкил қилади;

- барча даражадаги касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан молиявий интизомга қатъий риоя қилинишини таъминлаб, Тафтиш комиссияларининг фаолиятини самарали йўлга қўяди;

- касаба уюшмалари аъзолари олдида молиявий сиёсатини амалга ошириши юзасидан ҳисобот беради;

- аъзолик бадалларини ойлик, чораклик ва йиллик режаларни корхонанинг иш ҳақи фондидан келиб чиққан ҳолда тузади ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

- аъзолик бадалларини мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан мунтазам назорат ўрнатади.

X. Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларида амалга оширилаётган ишлардан кенг жамоатчиликни хабардор этиш

Тармоқ касаба уюшмаси тизимдаги ташкилотлар ҳамда жамоатчилик ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш орқали мамлакатимиз жамоатчилик фикрида касаба уюшмаларини меҳнаткашлар манфаатларини ифода этувчи ва собит

туриб ҳимоя қилувчи ташкилот сифатидаги ижобий имиджини янада мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, касаба уюшмаси куйидагиларни ахборот соҳасидаги устувор йўналишлар деб эътироф этади:

жамиятда касаба уюшмасининг мавқеини янада мустаҳкамлаш, имиджини ошириш, касаба уюшмасига янги аъзоларни жалб қилишни кучайтириш мақсадида республика, маҳаллий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, улар билан ўзаро ҳамкорлик битимлари ҳамда шартномалари кўламини кенгайтириш;

тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Интернет тармоғидаги расмий сайтини мунтазам равишда модернизация қилиб бориш;

тармоқ касаба уюшмаси ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти тўғрисида тўла-тўқис маълумотларни мунтазам етказиб бориш мақсадида интернет-ресурслари, касаба уюшмаси расмий сайтлари, ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланиб, ягона ахборот портални барпо этиш, ҳужжат айлануви ва ахборот алмашинувини тезлаштириш чораларини кўриш;

тармоқ касаба уюшмаларида ахборот фаолиятининг турли шакллари ривожлантириш, янги ахборот технологияларини амалиётга тадбиқ этиш;

тармоқ касаба уюшмасининг аъзоларини уюшма фаолиятига оид тахлилий, методик ва ахборот-маълумотнома материаллари, ички ҳужжатлар билан таъминлаш бўйича ишларни доимий асосда давом эттиришни кўзда тутиш.

XI. Касаба уюшмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш

Касаба уюшмасининг келгусидаги фаолиятининг стратегик йўналишлари касаба уюшмаси ташкилий жиҳатдан кучли бўлган тақдирдагина тўлақонли амалга оширилиши мумкин.

Тармоқ касаба уюшмаси ҳаракатини янада мустаҳкамлаш, касаба уюшмасининг жамиятда тутган ўрнини кучайтириш ва мавқеини ошириш мақсадида фаолият қўйидагиларга йўналтирилади:

мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартириш соҳасида олиб борилаётган ишларни эътиборга олган ҳолда, **хусусий сектор корхона, ташкилотлари ходимларини касаба уюшмаларига жалб этиш энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади;**

касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш соҳасидаги ишлар самарасини оширишда ҳудудий Кенгашларга доимий равишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб боради;

фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотлар, тармоқ касаба уюшмаси Устави асосида тўғри йўлга қўйишда бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ишлари тизимли равишда давом эттирилади;

ижро интизомини мустаҳкамлаш, коллегиал органлар қарорлари бажарилишини таъминлашда касаба уюшмаси раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш, уларнинг фаолиятига мунтазам равишда холис баҳо бериб борилади.

Касаба уюшмалари ҳаракатининг бугунги кундаги ривожланиши хусусиятлари ва қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилиш зарурияти касаба уюшмалари кадрлари ҳамда фаолларининг касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига кучайтирилган талаблар қўймоқда.

Касаба уюшмаси етакчилари нафақат билим ва кўникмаларга эга бўлишлари, балки уларни замон талабларидан келиб чиқиб амалиётда қўллай олишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундан келиб чиқиб касаба уюшмалари ўқуви тизимини такомиллаштириш, жумладан Федерациянинг Малака ошириш институтида кадрлар ва фаолларни ўқувлар билан қамровни янада ошириш, мустақил малака ошириш (масофавий таълим) тизими кўламини кенгайтириш чоралари кўрилади.

Сифатли кадрлар захирасини шакллантириш, захирага киритилган кадрларни билим ва касбий кўникмаларидан келиб чиқиб раҳбарлик

лавозимларига тавсия этишга асосланган кадрлар сиёсати изчиллик билан давом эттирилади.

XIII. Халқаро фаолият

Тармоқ касаба уюшмаси хорижий давлатларнинг турдош касаба уюшмалари билан икки томонлама манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш ва улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Зеро, халқаро ишларни ривожлантириш давр талаби бўлиб, тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоялашнинг зарур шартидир.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун тармоқ касаба уюшмаси:

касаба уюшмалари фаолияти тажрибасини ўрганиш мақсадида халқаро бирлашмалар, турдош касаба уюшмалари, хорижий ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), айниқса, қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликка янги туртки бериш, ҳамкорлик йўллари излаш, икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, тармоқ касаба уюшмаси фаоллари делегациялари алмашинувини амалга ошириш;

тармоқ касаба уюшмаси аъзоларини халқаро ташкилотлар билан биргаликдаги иш ва ҳамкорлик натижалари ҳақида кенг кўламда хабардор қилиш;

тармоқ касаба уюшмаси ходимлари ва фаоллари малакасини ошириш, биргаликда семинар, конференциялар ўтказиш, ижобий халқаро тажрибаларни умумлаштириш, оммалаштириш, тарғиб қилиш ва тадбиқ этиш учун халқаро алоқалардан фойдаланиш.

XII. Касаба уюшмаси ишларини такомиллаштириш соҳасида

Тармоқ касаба уюшмасининг келгусидаги фаолиятининг стратегик йўналишлари тармоқ касаба уюшмаси ташкилий ва молиявий жиҳатдан кучли бўлган тақдирдагина тўлақонли амалга оширилиши мумкин.

Тармоқ касаба уюшмаси ҳаракатини янада мустаҳкамлаш, унинг жамиятда тутган ўрнини кучайтириш ва мавқеини ошириш мақсадида тармоқ касаба уюшмасининг фаолияти қуйидагиларга йўналтирилади:

касаба уюшмаси ҳаракатининг ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий кафолатларини сақлаб қолиш, уларни янада кенгайтиришда жипслаштирувчилик ролини қўллаб-қувватлайди;

ўз мавқеини мустаҳкамлаш касаба уюшмасига берилган ҳуқуқларга мувофиқ, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга касаба уюшмаси аъзоларининг ишончини ошириш учун касаба уюшмаси фаолиятни такомиллаштиради;

ташкилий интизомни кучайтиришда, сайланма органларни, уларни сайлаган касаба уюшмаси аъзолари ва касаба уюшмаси юқори органлари олдида ҳисобот беришларида, касаба уюшмасининг барча бўғинларининг ўзаро жавобгарлигини оширишга эришади;

фаолият юритаётган касаба уюшмаси ташкилотларини сақлаб қолинишига ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналарда янги бошланғич ташкилотлар тузилишига эришади, касаба уюшмасининг барча бўғинларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришларига доир аниқ мисоллар келтирилган ҳолда, ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш билан касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари бўйича ишларни кучайтиришга эришади;

касаба уюшмаси ташкилий тузилмасини такомиллаштиради, касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларининг ташкилий ишларини шакли ва усулларини умумлаштиради;

нодавлат сектордаги корхоналарда касаба уюшмаси тузилишини ташкил этиб, уларда ишлаётган ишчи ходимларни меҳнатга доир ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилади;

касаба уюшмаси ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий стратегик манбаи бўлган ёшлар ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тушунтириш ишларини ташкил этиш тизимини ишлаб чиқиб, амалга оширади;

ходимлар заҳирасини аёллар ва ёшларга алоҳида эътибор берган ҳолда билимли, ташкилотчилик қобилиятига эга мутахассислардан яратади;

касаба уюшмаларини малакали кадрлар билан янада мустаҳкамлаш, айниқса ёш, билимли ва иқтидорли касаба уюшмаси кадрлари ва фаолларини аниқлаш юзасидан тизимли мониторингни йўлга қўяди, кадрлар заҳирасини шакллантириш, тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш, заҳирага киритилган ёшларга хизмат даражаси бўйича

кўтарилиши учун шароит яратиб бериш ҳамда ютуқ ва тажрибаларини оммалаштириш мақсадида тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича ташкилий ишларни изчил амалга оширади, касаба уюшмаси фаоллари билим доирасини ошириш учун ҳудудий йиғилиш-семинарларни ўтказиш амалиётини кенгайтиради;

касаба уюшмаси фаолиятини барча йўналишлари бўйича услубий ва меъёрий қўлланмалар, тавсия ва ахборотномаларни ишлаб чиқади;

мажлислар, йиғилишлар ва Қурултой қарорларини Устав ва Низомлар талабларига жавоб берилиши, уларни касаба уюшмаси ва унинг ташкилотлари муаммоларини ҳал этишда аҳамиятини ошириш ва қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишига эришади.